



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 16 январь, № 10 (9181)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Йиғилиш аввалида давлатимиз рахбари мазкур учрашув жаҳонда кескин геосиёсий ўзгаришлар бўлаётган, давлатлар суверенитетига хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган мураккаб бир пайтда ўтаётганини қайд этди. Бундай шароитда ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни танқидий муҳокама қилиб, Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар ишини янгича ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз рахбари ташқи сиёсат борасида 2025 йил кўп жиҳатдан натижадор бўлганини қайд этди. Ўтган йили 26 та хорижий давлатга олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, янги тарихимизда илк бор қатор давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари ташкил этилди. “Марказий Осиё плюс” форматидagi кўп томонлама мулоқотлар сермахсул бўлди. Сўнгги йилларда 11 та давлат билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 19 тага етди, Қозғистон, Озарбайжон ва Тожикистон билан иттифокчилик муносабатлари йўлга қўйилди.

— Очик, прагматик, пухта ўйланган ва ташаббускор ташқи сиёсатимиз натижа-сида Ўзбекистон глобал тинчлик ва дипломатия марказларидан бирига айланиб бормоқда, — деди Президентимиз.

2017 йилдан буён хорижий давлатлар-да 16 та янги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилиб, уларнинг сони 60 тага, дипломатик алоқа ўрнатилган давлатлар сони эса 165 тага етди. Элчи-хоналар, консуллик муассасалари ва

халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколат-хоналар штатлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг иш ҳақи оши-рилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, “Барча дипломатик ваколатхоналар мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяптими?” деган масала ўртага қўйилди.

— Ҳозирги шароитда элчи дегани фақат сиёсий мулоқот юритувчи шахс эмас. Элчи — инвестиция ва технология олиб келадиган, янги экспорт бозорларини оча-диган, транспорт-логистика йўлакларини ишга соладиган, туристлар оқимини кўпайтириб, қонуний меҳнат миграцияси учун шароит яратадиган, энг асосийси, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат вакили, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан элчилар учун улар фаолият юритаётган давлатлардан экс-порт тушумлари, туристлар оқими ҳамда ушбу мамлакатларга қонуний меҳнат ми-грацияси самарадорлик мезони бўлиши қайд этилди.

Иқтисодий дипломатияни кучайтириш орқали экспорт ва инвестиция ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Икки ва кўп томонлама тadbирлар до-ирасида 2025 йилда умумий қиймати 160 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномалари бўй-ича битимлар имзоланди. Тарихда илк бор ташқи савдо айланмаси 80 миллиард дол-лардан ошиб, экспорт 33,5 миллиард дол-ларга етди, хорижий инвестициялар эса 43 миллиард доллардан ошди. Ўтган йили

75 та давлатга экспорт ҳажми қарийб 4,5 миллиард долларга кўпайди.

Шу нуктаи назардан, элчиларга Яқин Шарқ, Европа, Осиё ва Африка давлат-лари йўналишларида экспортни кенгай-тириш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, кимё, тўқимачилик, иссиқхона ва хизматлар со-ҳаларида аниқ лойиҳалар билан ишлаш вази-фалари қўйилди. Айрим бозорларда Ўзбекистон маҳсулотларининг номи етар-лича танитилмаётгани қайд этилди.

Логистика харажатларининг ортиши миллий маҳсулотлар рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидла-ниб, Европа бозорларига чиқишда тран-зит йўналишларини диверсификация қилиш, логистика занжирларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тежамкор технологиялар, инновацион иссиқхоналар тажрибасини ўрганиш, уларни худудла-римизда жорий этиш бўйича аниқ вази-фалар белгиланди. Шунингдек, кимё са-ноати маҳсулотлари учун янги экспорт бозорларини очиш, стандарт ва талаблар-ни ишлаб чиқарувчиларга етказиш, кўргазмалар ташкил қилиш масалалари қайд этилди.

Янги экспорт йўналиши сифатида Аф-рика қитъаси билан савдо-иқтисодий ҳам-корликни кучайтириш зарурлиги таъкид-ланди. Шу мақсадда тегишли вазирлик-лар ва элчилар иштирокида аниқ “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилди.

Элчилар лойиҳа топши, уни олиб ке-либ, ишга туширишдан манфаатдор бўли-

ши кераклиги қайд этилди. Аниқ инвес-тиция ёки экспорт лойиҳасини якунига етказган элчиларни моддий рағбат-лантириш амалиёти жорий этилиши белгиланди.

Айрим соҳаларда элчилар ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётгани танқид қилинди. Ҳу-сусан, халқаро грантлар жалб этиш бўй-ича салоҳият етарли даражада ишга со-линмагани айтилди. Агар вазирлиқлар ва тармоқ раҳбарлари элчилар билан ҳам-корликни тўғри йўлга қўйганида ўтган йили қўшимча равишда яна камиди 200 — 300 миллион доллар грант жалб қилиш мумкин эди.

Қайд этилганидек, халқаро ташкилот-лар ва донор мамлакатлар ҳар йили 200 миллиард долларга яқин халқаро грант-лар эълон қилмоқда. Ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш, грантлар билан ишлаш бўйича ягона ва тизимли ёнда-шувни жорий этиш вази-фаси қўйилди.

Шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Гер-мания, Швейцария, Хитой, Япония ва Сингапурдаги элчилар билан биргалик-да дунёдаги “ТОП — 100” таликка кирувчи етакчи хорижий олий таълим муассаса-ларини Ўзбекистон олийгоҳларига ҳам-кор сифатида жалб қилиш бўйича аниқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий ало-қаларни кенгайтиришда худудлар ва эл-чихоналар ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани қайд этил-ди. Вилот ҳоқимларининг элчилар би-лан биргаликда худудларда ишлаб чиқа-

рилаётган экспортбop маҳсулотларни ти-зимли равишда хорижда илгари суриши, маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозор-ларга чиқишида фаол иштирок этиши за-рурлиги таъкидланди.

Навбатдаги устувор вази-фа сифатида фуқароларимизни хорижда қонуний ва юқори даромадли иш ўринлари билан таъ-минлаш белгиланди. Тартибли меҳнат ми-грациясининг географияси кенгайиб бора-ётгани, лекин айрим мамлакатларда маз-кур йўналишда иш етарли даражада таш-кил этилмаётгани кўрсатиб ўтилди ва эл-чиларга тегишли топшириқлар берилди.

Элчихоналар ва консулликлар фуқаро-ларимизнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари-ни ҳимоя қилишда фаол бўлиши, ҳар бир ҳолат бўйича малакали юридик ёрдам кўрсатиши шартлиги таъкидланди. “Ка-бинет дипломатияси”дан воз кечиб, жой-ларда ишлаш, ватандoшлар билан бево-сита мулоқот қилиш вази-фаси қўйилди.

Туризм соҳасида элчиларнинг роли-ни янада кучайтириб, туризм ва мада-ният бўйича ишларга янги ёндашув жо-рий қилиш, визасиз режимлардан са-марали фойдаланиш, халқаро ауто-сир-синг компанияларини жалб этиш зару-рлиги қайд этилди.

Шунингдек, ташқи сиёсий алоқаларни кенгайтириш, олий даражадаги ташри-фларга пухта тайёргарлик кўриш, дипло-мат кадрларни қайта тайёрлаш ва истик-болли кадрлар захирасини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи ахборот сиёсати ва мамлакат имижини оширишда халқаро ОАВ ва мах-

сус медиаойиҳалар билан ишлаш усту-вор вази-фа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат фаолияти концепциясини янгилаб, унинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва халқаро майдонда мамлака-тимизнинг ўрнини мустаҳкамлашга қарати-лган аниқ вази-фаларни белгилаб олиш за-рурлиги таъкидланди.

Давлатимиз рахбари қайд этганидек, янги концепция мамлакатимизнинг узoқ муддатли стратегик мақсадларини, ички ислохотларимиз мантигини, иқтисодий дипломатия, хавфсизлик, инвестиция, экспорт, транспорт-логистика, сув ва иқлим масалаларидаги миллий манфаат-ларимизни яхлит ва ўзарo бoғлиқ ҳoлда акс эттириши лoзим.

Дипломатларимизнинг хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида “Ўзе-бекистон Республикасида хизмат кўрсатган дипломат” фахрий унвонини тaсвис этиш таклиф қилинди.

— Энди янгича руҳда ишлайдиган, аниқ натижаларга эришaётган, Ўзбекистон манфаатларини халқарo микёсда қaтий ҳимоя қилaдиган дипломатлар даври кел-ди, — деди давлатимиз рахбари йиғилиш якунида.

Йиғилишда хориждаги элчиларнинг хисобот ва таклифлари тингланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ТУРИЗМ ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро маданий тadbирларнинг натижалари, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вази-фалар ҳамда йирик маданият ва туризм объектларини барпо этишга оид тақдирот билан танишди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқа-ро маданият маконида ўз мавқеини из-чил мустаҳкамлаб бормоқда. Самар-қандда ЮНЕСКО Бош конференцияси-нинг 43-сессияси 190 мамлакатдан 3 мингдан ортиқ делегатлар иштиро-кида муваффақиятли ўтказилди. Тад-бирда яқунфарида кўра, Ўзбекистоннинг маданий меросини муҳофаза қилиш, таълим ва креатив иқтисодиёт бўйича ташаббусларини амалиётда жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мамлакатимизнинг Японияда бўлиб ўтган “ЭКСПО — 2025” Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки якунлари сарқисидоқ қилинди. Ўзбекистоннинг 1,2 минг квадрат метр майдонда таш-кил этилган “Билимлар боғи” павильо-нига 1 миллион нафарга яқин одамлар ташриф буюрди. Тақдим этилган экс-позициялар халқаро микёсда кенг ёритилди ҳамда энг кўп ташриф бую-рилган павильонлар қаторидан жой олди. Айни пайтда Саудия Арабистон-ида бўлиб ўтадиган “ЭКСПО — 2030” кўргазмасида иштирок этишга тайёр-гарлик ишлари бошланиб, майдони 3,6 минг квадрат метр бўлган павиль-он қурилиши режалаштирилган.

Бухорода ўтказилган биринчи За-монавий санъат биеналесига алоҳи-да эътибор берилди. 70 кун давом этган тadbир 3,5 гектар майдонни ва реставрация қилинган 14 та маданий мерос объектини қамраб олди. Биен-

наледа 40 дан ортиқ давлатлардан 70 нафар иҳодкор ва куратор ишти-рок этди. Тадбирда катнашганларнинг сони қарийб 1,8 миллион нафарни ташкил қилиб, жумладан, 100 нафар-дан ортиқ юқори мартабали хорижий меҳмонлар ташриф буюрди. Ўзе-бекистоннинг 2021 йилдан буён Венеция биеналесида доимий равишда иш-тирок этиши эса Италиядан сайёҳлар оқимининг ўсишига хизмат қилаётга-ни таъкидланди.

Мамлакатда йирик халқаро концерт дастурулари ўтказилди. Хусусан, Тош-кентда Женнифер Лопес, Хивада “Black Coffee”, Самарқандда Андреа Бочел-лининг концертлари бўлиб ўтди. Тад-бирларни ўтказиш даврида мазкур ша-ҳарларда меҳмонхоналардан фойдала-ниш даражаси 90 фоиздан ошди, бу эса туризм ва хизматлар соҳаси даро-мадларига иқобий таъсир кўрсатди.

2025 йилда сайёҳлар сони 11 мил-лиондан ошиб, туристик хизматлар экспорти 4,8 миллиард долларга етпа-ни, шунингдек, визасиз тартиб жорий этилган давлатларнинг сони 94 тага кўпайгани қайд этилди.

Шу билан бирга, туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказиш, туризм маҳсулотларини яратиш ва ри-вожлантириш бўйича ягона механизм-ни жорий этиш ҳамда йирик тadbир-ларни мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳа фаолиятини рақамлаштириш-

га алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ва хусусий ахборот тизимларини уй-ғунлаштириб, Миллий туризм платфор-масини ишга тушириш, туристлар ва тadbиркорлар учун проактив рақамли хизматларни жорий этиш, нақдсиз хизмат-китобларни кенгайтириш ҳамда туристлар оқимини таҳлил қилиш ва-зифалари белгилаб берилди. Рақам-лаштириш орқали “яширин иқтисо-дий” улушини қисқартириш ва сайёҳ-лик йиғимидан йиллик тушумларни оши-риш режалаштирилгани қайд этилди.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятини АКШ, Форс кўрғазми давлатлари, Ҳин-дистон, Хитой ва Скандинавия каби ус-тувор бозорларда илгари суриш бўй-ича янги маркетинг стратегиясини амал-га ошириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг халқаро туристик плат-формалардаги иштирокини кенгайти-риш, рақамли контентни ривожланти-риш ҳамда йирик медиаресурслар ва фикр етакчиларини жалб қилиш вази-фалари белгиланди.

Тақдиротда йирик маданият ва ту-ризм объектлари лойиҳалари кўриб чи-қилди.

Самарқандда “Самарқанд мероси йўлига” лойиҳаси иш бошламоқда. Ре-гистон ансамбли, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда мажмуалари ҳамда Мирзо Улу-бек расадхонасини 6,6 километрлик ягона сайёҳлик йўналиши ўзарo бо-ғлайди.

Самарқандда янги “Ипак йўли” му-

зейини қуриш лойиҳаси тақдим этил-ди. Умумий майдони 19,5 минг квад-рат метрни ташкил этадиган уң қават-ли замонавий бино қурилиб, унда инк-люзив муҳит, кўргазма заллари, экспо-натларни сақлаш фондлари, шунингдек, таълим олишга мўлжалланган худудлар-ни яратиш кўзда тутилган.

Мирзо Улугбек расадхонаси худуди-да ландшафт дизайнини янгилаш ре-жалаштирилмоқда. Янги музей бино-си, иммерсив кўргазма заллари, таш-риф буюрувчилар учун марказ барпо этилади. Пиёда йўлакларни обodon-лаштирилиб, археологик объектлар яго-на музей муҳитига уйғунлаштирилади.

Шунингдек, Бухоро шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Унда қулай ша-ҳар муҳитини шакллантириш, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривож-лантириш, шунингдек, конгресс-холл, амфитеатр, клубхона, фуд-холл, чака-на савдо ва тижорат объектлари ҳамда юқори тоифали меҳмонхонани ўз ичи-га оладиган кўп функцияли мажмуа си-фатида тарихий этнографик боғ барпо этиш назарда тутилган.

Муҳокама якунида Президентимиз маданият лойиҳаларини туризмни ри-вожлантириш вази-фалари билан ўзарo боғлаган ҳoлда амалга ошириш, улар-нинг иқтисодий барқарорлиги ва си-фатли бошқарувини таъминлаш зару-рлигини алоҳида таъкидлади.

Ў.А.

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КўПРИК

Бугунги суҳбатдошимиз — Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам КАЛОНОВ. Жамоат арбоби билан мулоқотимизда пойтахтнинг бугунги ҳаёти, 2026 йилдаги режалар ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари олдидаги долзарб вази-фаларга эътибор қаратдик.

### Бизнинг интервью

— **Рустам Абдуҳакимович, суҳбати-мизни Президентимизнинг Олий Ма-жлис ва халқимизга йўллаган Мурожа-атномасида кўтарилган масалалардан бошласак. Сиз ҳам сенатор, ҳам маҳаллий Кенгаш раиси сифатида 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожланти-риш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинишини қандай қабул қилдингиз? Янги йил мамлакатимиз юраги бўлган Тошкент шаҳри мисоли-да қандай амалий ифода топади?**

## МИЛЛИЙ БИРЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК — ЭЛ-ЮРТ ҲИМОЯСИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бошчилиги-да ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаа-сини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишида нафақат ҳарбий соҳа, балки жамоатчиликка, халқимизга тегишли бўлган фавқулodда муҳим вази-фалар белгилаб берилди, муаммолар кўтарилди, огриқли нуқталар кўрсатилди.

Шунингдек, ечимини топмаётган муаммо-ларга қандай чоралар кўрилиши борасида фикрлар билдирилди, аниқ йўл-йўриқлар бел-гиланди. Ҳатто иқтисодий томондан қўлба-қувватлаш, маблағ ажратилиши керак бўлган масалаларни ҳал этишда ҳам уларнинг ман-баси топилиб, шароитлар яратилди.

Йиғилишда бугунги кунда тинчлик ва хотир-жамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лoзимлиги таъкид-ланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатарларга ол-диндан жавоб қайтарши бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

➡ 2



# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК



## КЕЛГУСИ ЎЗГАРИШЛАРГА ЗАМИН БЎЛАДИГАН ТАДБИР

15 январдан эътиборан мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш жараёнининг биринчи босқичи расман бошланди. Ушбу муҳим давлат аҳамиятига молик тадбирда сенаторлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

### Фаоллик

Жумладан, сенаторлар "census.stat.uz" расмий веб-сайти орқали "OneID" ягона идентификация тизими ёрдамида онлайн тарзда рўйхатдан ўтмоқда. Шубҳасиз, халқ вакилларининг фаоллиги давлат органлари ва жамоатчилик учун намуна бўлиб, фуқароларни маъмур тадбирда қатнашишга ундайди.

Маълумки, биринчи босқич доирасида 15 — 31 январь кунлари фуқароларга интернет орқали мустақил равишда ўзлари ва оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни киритиш имконияти яратилган. Онлайн рўйхатдан ўтиш жараёни нафақат мамлакат ичиди, балки хорижда вақ-

тинча бўлиб турган ватандошларимиз учун ҳам қулай шароит яратмоқда. Сенаторлар аҳолини рўйхатга олиш келгуси 10 — 20 йил мобайнида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини режалаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, барча фуқароларни ушбу жараёнда фаол қатнашишга чақирмоқда. Чунки аҳолининг ёш таркиби, таълим даражаси, бандлиги, миграция жараёнилари ҳамда даромад манбалари бўйича шакллантирилаётган ягона маълумотлар базаси давлат сиёсатини самарали юритишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

## ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари Германия Федератив Республикасининг Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ерида фаолият юритувчи "Junge Union NRW" ёшлар ташкилоти вакиллари билан онлайн форматда учрашув ўтказди.

### Учрашув

Унда ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш, демократик институтларни мустаҳкамлаш, фуқаролик таълими, рақамлаштириш жараёналари, "яшил" энергетика, шаҳарларни барқарор ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида Ёшлар парламенти ҳамда "Junge Union NRW" ёшлар ташкилоти ўртасида имзоланган меморандум икки томонлама ҳамкорлиқни институционал асосда йўлга қўйиш, ёшларнинг сиёсий ва жамоатчилик жараёналаридаги иштирокини кенгайтириш, замонавий демократик бошқарув механизmlарини жорий қилишга қаратилгани қайд этилди.

Меморандум доирасида

ўзаро тажриба алмашиш, қўшма ташаббус ва лойиҳаларни амалга ошириш, ёшлар парламентларини институционал ривожлантириш, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ҳамда ҳисобдорлик механизmlарини шакллантириш бўйича ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, ёшлар сиёсати соҳасида рақамли платформалар ва демократик технологиялардан фойдаланиш, "Junge Union NRW" билан қўшма тренинг ва семинарлар ташкил этиш, рақамли суверенитет ҳамда давлат бошқаруви ишларидаги муаммоларни ҳал қилишга доир илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Учрашув якунида меморандум ижросини таъминлаш мақсадида қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

"Гендер тенглик фаоли" миллий кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика комиссияси иштирокчиларнинг фаолиятини жойига қилиб таништи. Ўрганишлар танловнинг республика босқичига тақдим қилинган материалларнинг ҳаққончилиги ва амалий натижадорлигини баҳолаш, шунингдек, ташкилотларда гендер тенгликни таъминлаш бўйича йўлга қўйилган тизимли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида амалга оширилди.

### Ўрганиш

Танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун 7 та номинация бўйича вазирилик, идора ва ташкилотлардан 100 дан ортиқ ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари танлов асосида қатор ташкилотларда бўлиб гендер тенгликни таъминлашга қаратилган сиёсатни шакллантириш, шунингдек, хотин-қизлар ва эркаклар учун давлат ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганди.

Учрашувлар давомида ушбу ташкилотларда фао-

лият юритаётган ходимлар билан индивидуал суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг малакасини ошириш бўйича бажарилган ишлар, ижтимоий ва тиббий кўмак кўрсатиш учун ташкил этилган махсус хоналар ҳолати ҳамда чет давлатларда амалиёт ўташ ва хорижий тажрибаларни ўрганиш юзасидан ташаббуслар ба- тафсил кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари ўтказган ўрганиш натижалари танловнинг якуний баҳолаш босқичида инобатга олиниб, гендер тенгликни таъминлаш бўйича самарали тажрибаларни омаллаштириш ҳамда илғор амалиётларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Қолаверса, Тошкент нафақат мамлакатимизнинг маъмурий маркази, балки ислохотларнинг "синов майдони" ва бошқа ҳудудлар учун андоза макони ҳамдир. Шу боис Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили пойтахтимизда мутлақо янгича мазмун касб этади. Маҳаллани чинакам ижтимоий кучга айлантириш борасидаги амалий тадбирларимиз кенг қулоқ ёяди.

Маҳалланинг "руҳи" — у ерда яшайдиган одамларнинг розилиги, ижтимоий қайфияти ва ўзаро ҳамжиҳатлигида. 2026 йилда биз асосий эътиборни маҳалланинг ижтимоий архитектурасига қаратамиз. Бу дегани, маҳалла шунчаки яшаш жойи эмас, балки одамларнинг дарди тингланадиган, муаммосига ечим топиладиган, ишсизга иш бериладиган, эҳтиёжманда эса меҳр кўрсатиладиган масканга айланади.

Президентимиз томонидан жорий этилган "маҳалла еттилик" тизими — бу маҳаллани ижтимоий кучга айлантиришнинг бош механизми. Эндиликда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профликтика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ҳодим бир тану бир жон бўлиб ишламоқда. Биз Кенгашда маҳаллаларга кўпроқ мустақиллик ва молиявий имконият бериш устида ҳам ишлаяпмиз. Масалан, "Очиқ бюджет" лойиҳаси одамларнинг ўз маҳалласи тақдирини ўзлари белгилашга ўргатди. Бу — фуқаролик жамиятининг энг олий кўришиси.

— "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида давлат хизматлари ни маҳалла даражасига тушириш айтилган. Тошкентликлар ўз муаммоси билан ҳокимликка эмас, маҳалла фуқаролар йиғинига бориши учун Кенгаш қандай амалий қадамлар қиймад?

— Бу жуда муҳим ва тизимли масала. Давлат хизматларини маҳалла даражасига тушириш — бу шунчаки вазифа эмас, балки давлат бошқарувини инсонга яқинлаштириш борасидаги энг катта ислохот. Тошкентдек мегаполисда буни амалга ошириш учун халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан бир нечта аниқ ва амалий қадамлар қўйилмоқда. Яъни илгари фуқаро ижтимоий ёрдам учун — ижтимоий банкнинг бўлимига, кредит учун — таъкид, иш ўрни — бандлик марказига боради. Ҳозир маҳаллада етти нафар масъул ҳодим бир жойда ишлаяпти. Кенгаш қарори билан уларнинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Эндиликда кўплаб ижтимоий нафақалар, моддий ёрдамлар ва субсидиялар бериш учун ҳулосани мана шу "еттилик" маҳалланинг ўзида чиқаради. Фуқаронинг шаҳар ҳокимлигига боришига ҳоҳат қолмайди.

Биз Кенгашда Тошкент маҳаллаларини тўлиқ рақамлаштириш масаласини ҳам устувор вазифа сифатида қўйганмиз. "Давлат хизматчиси" ва "Маҳалла" платформалари орқали фуқароларнинг муқожаатлари масофавий қабул қилинади. Ҳозир шаҳар Кенгаши депутатлари маҳаллаларда-



ги электрон тизимларнинг ишлаш нazorатини олиб бормоқда. Маскад — фуқаро уйдан чиқмай туриб, маҳалла етакчиси орқали 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматларини олишига эришиши.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан туман ва шаҳар ҳокимликларининг айрим ваколатларини бевосита маҳалла даражасига ўтказиш бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, маҳалла ҳудудидаги кичик обodonлаштириш ишлари, сугориш тизимларини соzлаш ёки ички йўлларни таъмирлаш бўйича қарор қабул қилиш ва маблаг ахратиш жараёнида маҳалланинг сўзи ҳал этувчи бўлади. Инсон муаммоси билан ҳокимликка эмас, маҳалладаги ваколатли вакиллар муқожаат қилиши ва масала ўша жойининг ўзида ҳал этилиши учун "маҳалла бюджет" тизимини янада такомиллаштиряпмиз.

Одамларнинг маҳаллага ишончи қачон ортади? Қачонки, унинг муқожаати безътибор қолмас! Биз ҳар бир маҳаллага бириктирилган шаҳар ва туман Кенгаши депутатлари олди-га қатъий талаб қўйганмиз: "маҳалла еттилиги" фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва уларнинг ишдаги тўсиқларни Кенгаш сессияларига олиб чиқиш. Агар бирор ташкилот маҳалла раисининг сўровини эътиборсиз қолдирса, депутатлик сўрови орқали ўша ташкилот раҳбарининг масъулияти кўриб чиқилади.

Аслида давлат хизмати фақат қoғoзбoзлик эмас, бу инсоний муносабат ҳамдир. "Нуроний" жамғармаси орқали биз маҳаллалардаги кексаларнинг бой тажрибасини давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотга жалб қилаямиз. Кўп ҳолларда низоли ва яшнглр ёки мураккаб ижтимоий масалалар маҳалланинг ўзида, оқсоқоллар ва фаоллар иштирокида, ҳокимликка етмасдан ҳал этилмоқда. Хулоса сифатида айтганда, Кенгашнинг мақсади — маҳаллани шунчаки "ари-за қабул қилувчи" эмас, балки "муаммони ечувчи" марказга айлантириш. Бу стратегияда белгиланган "инсон қадрини улуғлаш"нинг амалий ифодаси бўлади.

— Сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг роли ва депутатлик назорати кучайганини кўряпмиз. Икxо ҳoҳимияти устидан назорат қай даражада амалга оширилмоқда? Масалан, шаҳар бюджетининг сарфланишида депутатларнинг сўзи қанчалик кескин янграяпти?

— Саволингиз жуда ўринли. Бу савол давлат бошқарувидаги энг муҳим трансформациялардан бирига дахлдор. Очик айтиш керак, бундан бир неча йил аввал маҳаллий Кенгашлар кўпроқ "тасдиқловчи" орган сифатида қўрилди. Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Тошкент шаҳар Кенгаши икxо ҳoҳимиятининг "сояси" эмас, балки унинг фаолиятини йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий кучга айланди.

Айниқса, коррупцияга қарши курашиш ва шаффофлиқни таъминлаш масаласида Кенгаш жуда қаттиқ туряпти. Президентимиз таъкидлаганидек, коррупция — иқтисодий таназзул омилли. Биз Тошкент шаҳри бюджетининг ҳар бир тийини халқ манфаатига, маҳаллалар ободлигига хизмат қилишини таъминлаш учун икxо ҳoҳимиятидан қатъий ҳисoбдорлик талаб этияпмиз.

Илгари бюджет лoйиҳаси тайёр ҳoлда келар ва дeяpли мoҳoмамасиз тасдиқланарди. Ҳoҳир эса Тошкент шаҳри бюджетининг ҳар бир банди Кенгашининг доимий комиссияларида "микроскоп остида" кўриб чиқилаяпти. Депутатларимиз: "Нима учун бу маблаг чекка маҳалланинг дренаж тизимига эмас, балки маъмурий бино таъмирига йўналтириляпти?" ёки "Қурилиш харажатлари нега бунчалик юқори?" деган кескин саволларни қўйишмоқда. Кўплаб харажатлар депутатларнинг талаби билан қисқартирилган ёки ижтимоий соҳага йўналтирилган ҳoлатлар ҳам эмас.

Пойтахт иқтисодий ўсишининг етакчи драйвери сифатида асосий эътиборни юқори билим ва технологияларга асосланган соҳаларни кенгайтиришга қаратмоқда. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига тақдим этилган маълумотларга кўра, янги йилда сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг 13 миллион долларга ошириш чоралари қўйилди. Узунлиги 22 километр бўлган туну қуш ишлайдиган савдо, туризм ва гастрономик 18 та кўчани ишга тушириш белгиланган. Натижада 204 та савдо ва сервис объекти ташкил этилиб, бир ярим мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланади. Тижорат банклари билан биргаликда 100 та меҳмонхона, 70 та ўқув маркази, 50 та тиббий марказ очилади. Депутатларимиз режадаги ҳар бир банд икxоси устидан қатъий назорат олиб боришад.

Бундан ташқари, фуқаролар "Очиқ бюджет" портали орқали овоз берган лoйиҳаларнинг икxоси ҳам халқ вакилларининг диққат марказида. Агар икxо ҳoҳимияти вакиллари голиб бўлган лoйиҳани сифатсиз баҳарса ёки муддатини кечиктирса, депутат Кенгаш сессиясида ўша соҳа раҳбарининг ҳисoбатини аштитиш ва унга нисбатан чoра кўришни талаб қилляпти. Эндиликда ҳoҳимликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари Кенгаш олдида мунтазам ҳисoбат бeриб бoрмоқда. Бу шунчаки ҳисoбат эмас, балки савол-жавоб ва танқидий таҳлилдр. Агар депутатлар бирор раҳбарнинг фаолиятини қоникрасиз дeб топса, унга нисбатан интизомий жазo

чорасини қўллаш ёки лавозимидан озoд этиш бўйича таклиф киритиш ваколатига эга.

Яна бир муҳим кўрсаткич, сўнгги йилларда депутатлик сўровларининг сони ва сифати ошди. Илгари депутат сўровига "индамай кутулиш" шуми бўлса, ҳoҳир ҳар бир сўров шахс менинг ва Кенгаш қотибятининг назоратида. 2025 йил давомида 134 та депутатлик сўрови юборилди. Уларда ҳудудлардаги, ижтимоий объектлардаги муаммолардан тортиб бандлик, эҳтиёжман оилаларга ёрдам каби бир қатор долзарб масалалар кўтарилган. Ёнг муҳими, муқожаатларга мутасаддилар томонидан тегишли тартибда жавоблар ҳам олинган. Жавоб бeрилмаган ёки юзати жавоб бeрилган ҳар бир ҳoлат бўйича тегишли чoралар қўйилляпти.

Кенгашда депутатларнинг сўзи энди нафақат кескин янграяпти, балки бу сўз икxо ҳoҳимияти учун мажбурий кучга эга бўляпти. Биз "бир овоздан маъқуллаш" тизимидан воз кeчиб, конструктив танқид ва халқ манфаати йўлидаги қизгин мунозиралар тизимига ўтдик, дeб айта олам.

— Пойтахт аҳолисини энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — экология, хусусан, ҳавонинг ифлосланиши ва яшил ҳудудларнинг қамайиб кeтаётгани. Кенгаш раиси сифатида бу муаммони ечиш бўйича қандай муҳим ёндашувингиз бор?

— Бу — Тошкент учун стратегик масала. "Яшил макон" умуммиллий лoйиҳаси доирасида шаҳар атрофида "яшил белбоғ" яратиш ишлари жадал кeтмоқда. Биз Кенгашда қурилишлар ва дарактларни асраб қoлиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш бўйича қатъий қарорлар қабул қилляпмиз. Ҳар бир маҳаллада кичик истироҳат боғлари — "маҳалла боғлари" ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватляпмиз. Экологик назорат депутатларимизнинг доимий диққат марказида.

Амалий ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсам, 2026 йилда "Яшил макон" умуммиллий лoйиҳаси доирасида пойтахтда бир миллион тул манзарали ва бута қўчатишни экиш режа қилинмоқда. Энергия самарадорлигини ошириш мақсадида 713 та хонадон қувиш панели, гелиоколлектор ва иссиқлик насослари билан қамраб олинса, 123 та давлат идорасида энергосамардор лoйиҳалар йўлга қўйилди. 25 та саноат корхонасида тозалаш ускуналарини модернизациялаш, сув тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган. Бу рақамлар замирида Давлат бюджетидан ахратиладиган маблағлар ётади.

Шунинг учун биз фақат даррахт экиш эмас, балки ўша даррахтни партияни. Эндиликда ҳoҳимликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари Кенгаш олдида мунтазам ҳисoбат бeриб бoрмоқда. Бу шунчаки ҳисoбат эмас, балки савол-жавоб ва танқидий таҳлилдр. Агар депутатлар бирор раҳбарнинг фаолиятини қоникрасиз дeб топса, унга нисбатан интизомий жазo

— "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси сифатида фахрийларимизнинг ижтимоий ҳимояси ва уларнинг бой тажрибасидан ёшлар тарбиясида фойдаланиш борасида қандай янгиликлар бор? "Бир нуроний ўн ёшга масъул" тамойили пойтахтда қандай ишляпти?

— Тошкентда 450 мингга яқин нуронийларимиз бор. Улар — бизнинг бебаҳо хазинамиз. Биз фақат уларга моддий ёрдам бeриш билан чекланмаймиз. Асосий мақсадимиз — нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш. "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари орқали маҳаллалардаги нотинч оилалар билан ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда уларнинг сўзи жуда таъсирли. Ёшлар тарбиясида эса "Ибрат мактаби"ни яратганмиз.

Маҳаллани ижтимоий кучга айлантирадиган нарсаси — бу аънаналар ва қадриятларнинг давомийлиги. Кексаларимизнинг ҳаётий тажрибаси ва ёшларнинг шижоати бирлашса, маҳаллада жиноятчилик бўлмайди, оилалар мустаҳкам бўлади.

— Сиз учун Тошкентнинг энг севимли маскани қайси жой? Шаҳарнинг қайси бурчагида ўзингизни раҳбар сифатида эмас, оддий тошкентлик сифатида эркин ҳис қиласиз?

— Мен ҳар сафар ўқчи маҳалласига борганимда, аҳоли томонидан шикоятлар кўп тушар эди. Шаҳарнинг юраги, маркази шу аҳволда ётишидан ўзим ҳам ич-ичимдан хафа бўлар эдим. Ернинг таги жарлик, ҳеч нарсга қуриб бўлмайди дейишиб, анча пайтгача ҳеч қандай қурилиш қилинмаган эди. Мана, бугун бу маскан ҳақиқий шаҳар марказига айланди. Ер масаласида ҳам замонавий муҳандислик ечимлари топилиб. Пойтахт аҳли учун ҳам, шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам гўзал масканга айланди.

Шу билан бирга, мен учун Тошкентнинг энг севимли ва қадрли маскани — бу унинг "Ёски шаҳар" қисми ва ўзим яшайётган маҳаллам. Ўзимни раҳбар эмас, оддий тошкентлик сифатида энг эркин ҳис қиладиган жой, бу нововтоҳонадан иссиқ нон ҳиди келиб турган, қўни-қўшнилар бир-бири билан ҳол-аҳвол сўрашадиган оддий маҳалла чойхонасидир. Ўша ерда ўтирганимда, оддий одамлар билан суҳбат қурганимда, сенатор ёки Кенгаш раиси эканимни унутиб, шунчаки Рустам ака бўлиб қоламан. Маҳалла фазиси, кексалар дуоси ва болаларнинг қўйиқирғи — мана шу менга куч беради. Тошкентнинг юраги мана шу маҳаллаларда уради дeб билсам.

Бугунги замон депутати кабинетда ўтирадиган одам эмас. У маҳалланинг ичиди, одамларнинг дарди билан нафас оладиган шахс бўлиши керак. Халқ бизга ишониб овоз бeрди, биз ўша ишончни ҳар кун оқлашимиз шарт. Шунинг учун кун тартибимнинг катта қисми маҳаллаларда, одамлар билан мулоқотда ўтади. Одамларнинг муаммоси ечилиганини қуриш — мен учун энг катта муқофот ва куч манбаи.

Муниссон КАРИМОВА  
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

## «Ўзбекистон — 2030»: ХАЛҚ ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида эришилган улкан натижалар, янги устувор вазифалар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, юртимизнинг келгуси бeш йиллик тараққиётга дахлдор ушбу ҳужжат кeнг жамоатчилик муҳoкамаси ва аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилмоқда.

### Анжуман

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳужжатнинг "Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш" йўналиши бўйича янгилаётган устувор вазифалар муҳoкама қилинди. Тадбирда давлат идоралари вакиллари, экспертлар ва журналистлар фаол қатнашди.

Марказ икxоси директори Ёлдор Туляков "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг такомиллаштирилиши мамлакат тараққиётини дах қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Кeнг жамоатчилик иштирокида шаклланаётган Стратегия нафақат давлат идоралари, балки оддий фуқароларнинг ҳам манфаатларини ифода этувчи дастурга айланиши керак.

— Стратегиянинг муҳим йўналишларидан бири — давлат бошқаруви ва давлат хизматларини тубдан рақамлаштириш, — дейди Адлия

вазирлиги департаменти бошлиғи Ёлдор Маҳмамов. — Бу иш самарадорлигини янада оширади ва фуқаролар учун қулайлик яратди.

Унинг таъкидлашча, архив материалларининг 80 фоизини рақамлаштириш, "Е-қароғ" тизимини орқали ҳoҳимлик қарорларини 100 фоиз электрон шаклга ўтказиш бюрократия тўсиқларини кескин қамайтиради. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳoҳимияти органлари фаолиятида "Бюрократиянинг ноль" тамойилини тўлиқ жорий этиш, 20 дан ортиқ электрон тизимларни ҳoҳимликлар ишига таъбиқ қилиш режалаштирилган. Давлат хизматлари соҳасида эса композит ва проактив хизматлар сонини 400 гага етказиш, кўплаб хизматлар муддатини икки баравар қисқартириш ва тартиб-таомилларни соддалаштириш кўзда тутилмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ  
(«Халқ сўзи».)

Янги Тошкентни пойтахт билан боғлайдиган бўлажак метро линиясининг узунлиги 21 километрни ташкил этиб, 9 та замонавий бекатни ўз ичига олади.



# ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР



Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари томонидан 2025 йил сарҳисоби ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган янги интерфаол ва креатив форматдаги очик мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси томонидан ташкил этилди. Подкаст шаклида ўтказилган мулоқотда фракциянинг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фракция томонидан жамиятда қонун ва ижтимоий адолат таъминлаш устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизimini такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ўтган даврда фракция аъзолари қонун ижодкорлиги йўналишида бошқа фракциялар билан биргаликда 10 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишда ҳам ташаббускор бўлди. Мазкур қонун лойиҳаларида партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини, рецетт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмасини учун жавобгарлиқни қучатириш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилди.

Ҳисобот йилида “Фракция — марказ — вилоят — туман” тизими орқали партия билан ҳамкорликда 21 та қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган асосли тақлифлар ва фикр-мулоҳазалар белгиланган тартибда масъул қўмиталарга тақдим қилинди.

Шу билан бирга, фракция аъзоларининг жойлардаги ўрганишлари, сайлов округларидаги фаолиятлари давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида салмоқли ишлар бажарилиди. Хусусан, фракция тақлифлари асосида жами 5 та парламент назорати тадбири ўтказилди.

Фракция тақлифи билан ўтказилган 2 та “Ҳукумат соати”да Соғлиқни сақлаш вазири “Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги, Спорт вазири эса “Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда jismoniy тарбия ва спортни омдалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан депутатлар савол-ларига жавоб берди.

Шунингдек, сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда партия электорати томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан асосланган қарорларни бериш ёки нукта назарини баён этиш талаби билан давлат органларининг мансабдор шахсларга жами 30 та депутат сўрови юборилди.

Яқунда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг 2026 йилдаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

## Парламентдаги муҳолифат фракция: НАЗОРАТ, ТАШАББУС ВА ЖАВОБГАРЛИК

2025 йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси учун парламентда халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат таъминлашнинг илгари суриш ва давлат қарорлари самарадорлигини оширишга қаратилган йил бўлди. Фракция партия сайловлиди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва халқ билан мулоқот йўналишларида фаол иш олиб борди.

Айниқса, ЎзХДП фракцияси ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси, деб эълон қилиши унинг фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Бу қарор Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари, давлат дастурлари ҳамда бюджет ижросини янада танқидий ва принципиал баҳолаш имконини яратди.

Бу ҳақда фракциянинг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари ва келгуси режалари юзасидан Қонунчилик палатасида ўтказилган брифингда маълум қилинди.

Айтилганидек, фракция ўтган йил давомида Давлат бюджети ижроси, ижтимоий харажатларнинг манзиллилиги ва самарадорлиги масалаларида қатъий позициясини изчил намоян этди. Бюджет маблағларидан фойдаланишда натижадорликка эришиш, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди.

Фракция давлат дастурлари ва бюджет ижросида самарадорлик масаласини доимий равишда кун тартибига қўйиб келмоқда. Хусусан, бюджет маблағларини натижадорликка қараб молиялаштириш, ўзлаштирилмаган ёки самарасиз сарфланган маблағларни келгусида ажратмаслик механизмларини жорий этиш тақлиф қилинди.

2026 йил Давлат бюджети муҳокамаларида фракциянинг қатъий позицияси натижадада эҳтиёждан ва имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига қўшимча маблағ ажратилишига эришилди.

Фракция учун ҳар бир қонун лойиҳаси, аввало, унинг халқ ҳаётига таъсири нуктаи назаридан баҳоланади. Ижтимоий ҳимоя, болалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар ҳуқуқларига дахлдор масалалар доимий эътибор марказида турди.

Аҳоли манфаатлари етарлича ҳисобга олинмаган, санкция устуворлигига асосланган ҳамда амалий ечимлар берилмаган айрим қонун лойиҳалари бўйича фракциянинг принципиал

позициялари билдирилди. Натижада расмий статистика, дала четлари ерларидан фойдаланиш, ёқилғи-энерге-

**Фирдавс ШАРИПОВ,**

**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси нафақат келгуси йил учун харажатлар дастури, балки Янги Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий давлат моделининг концептуал ифодаси сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Белгиланган вазифалар, аввало, инсон ҳаётининг энг муҳим соҳаларини қамраб олгани билан алоҳида эътиборга молик. ЎзХДП фракцияси ушбу вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, уларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ижодкорлиги, парламент назорати ишларида фаол қатнашди.

Мурожаатномада депутатларнинг жойлардаги муаммоларни ҳал этишдаги бевосита иштирокчини кенгайтириш мақсадида 500 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгилангани ижтимоий масалаларга манзилли ечим топиш учун катта имкониятдир. Фракциянинг аъзолари бу маблағларни аҳолининг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришни мақсад қилган.

Умуман, мазкур дастурий ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган бўлиб, фракциямиз ушбу мақсадлар йўлида изчил ва масъулият билан иш олиб боради.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**

**ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Фракциямиз фаолиятида халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди. Йил давомида сайлов округларида мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилиб, ўн минглаб фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилинди.

Ушбу учрашувлар жараёнида аҳолини ўйлантираётган ижтимоий муаммолар, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, бандлик ва коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотларга депутат сўровлари юборилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижаида юзлаб масалалар ижобий ечим топган

тика соҳасида жавобгарлик белгилаш ҳамда экологик тоза ҳудудлар ва пластик махсулотлар муомаласига оид қонун лойиҳалари қайта ишлаш учун масъул қўмиталарга қайтарилди.

Кўриб чиқилган йилда фракция қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, фракция аъзоларининг алоҳида ташаббуси билан ҳомиладор аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатта доир ҳуқуқлари-



ни кафолатли таъминлашга, уларнинг ортиқча оворазарчиликларининг олдини олишга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилди. Фракция аъзолари бошқа фракциялар аъзолари билан биргаликда 8 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритишда ҳам ташаббускор бўлди.

Брифингда фракциянинг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

тин-қизлар билан юзма-юз мулоқот қилинди. Шунингдек, одамлар ҳаёт тарзи билан ақидан танишиш, уларни ўйлантираётган мавжуд муаммоларни ўрганиш ва манзилли ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида ҳудудлардаги 828 та аҳоли хонадони, 385 та тадбиркорлик субъекти ва 857 та ижтимоий соҳа объектига таширф буюрилди.

**Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ,**

**“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**



— Президентимиз Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида белгилаб берган вазифалар доирасида фракциямиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. 2025 йил апрель ойи “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” деб эълон қилинди.

Ойлик доирасида оммавий тушунтириш-тарғибот тадбирлари ҳам ташкил этилди. Ўтган йил 1 апрелдан 10 майга қадар 2500 га яқин маҳалларда аҳоли билан мулоқот қилиниб, коррупциянинг олдини олиш борасида фикр-мулоҳазалар алмашилди. 2 мингдан зиёд мактабларда “Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш — ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш” шиори остида тарғиботлар, 100 га яқин ОТМ ва 50 дан ортиқ таълим муассасаларида “Бўлажақ қадрларни “халоллик ваққини” билан эмлаш — давр талаби” шиори асосида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, фракциямиз ташаббуси билан Қонунчилик палатаси мажлисида Адлия вазирининг “Давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

**Тоҳир ПОЛВОНОВ,**

**“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**




— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси мамлакат келажагини белгилаб берувчи муҳим дастурий ҳужжат сифатида Янги Ўзбекистон тараққиётининг залварли босқичини бошлаб берди.

Унда белгилаб берилган 6 та устувор йўналишдан келиб чиқиб, фракциямиз олдида турган вазифалар белгилан олindi. Энг аввало, бу борада партиямиз сайловлиди дастурини қайта кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Мурожаатномада коррупция масаласига ҳам алоҳида тўхталниб, ушбу йиллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фақуллода ҳолат” эълон қилиниши урулганди. Шундан келиб чиқиб, фракциямиз мазкур масалалар ўзининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Қолаверса, жорий йилда 6 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштирганмиз.

## ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Шу йилнинг 15 январь куни юртимизда аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг биринчи босқичи расман бошланди. Мазкур босқич доирасида 17 кун давомида мамлакатимизнинг жами 9 008 та маҳалласида яшаётган фуқаролар, шунингдек, хорижда вақтинча бўлиб турган ватандошларимиз “census.stat.uz” расмий веб-сайти орқали “OneID” тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтмоқда.



Онлайн рўйхатга олишдан сўнг бир ой мобайнида “маҳалла етти-лиги” уйма-уй юриб, маълумотлар йиғади ва бунинг учун уларнинг фаолияти рағбатлантирилади. Шу жараёнда аҳоли билан доимий му-

Миллий статистика қўмитаси маълумотиға кўра, мамлакатимизда охириги умуммиллий аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган бўлиб, ўтган 35 йилдан ортиқ вақт мобайнида демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари, узоққни қўзлаб олиб борилаётган сиёсат тўғрисида из бераётган кейинги 9 йиллик ислохотлар қўламини эса рақамларга сиғмайди. Бунинг ривожланган мамлакатлар етакчилари қатори халқаро экспертлар ҳам тақдор ва тақдор эътироф қилмоқда. Албатта, бу бекиёс ўзгаришлар замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олишининг янги босқичини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унда аҳолини камида ҳар 10 йилда, қишлоқ ҳўжалигини эса ҳар 5 йилда рўйхатга олиш белгиланди.

### Эл-юрт тақдирига дахлдорлик ифодаси

Хўш, мамлакатимиз аҳолиси ва хориждаги ватандошларимиз ушбу муҳим жараёнда қандай қатнашади? Бу мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда қанчал аҳамиятли?

Авалло, айтиш жоизки, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида қатнашиш юртдошларимиздан кўп нарсас талаб қилмайди. Озгина кўнг, бироз вақт ажратилса, энг муҳими, қалбда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси бўлса, бас. Айни чоғда ижтимоий тармоқларда давлат идоралари, турли жамоат ташкилотлари томонидан онлайн рўйхатдан ўтиш тартиби бўйича видеоқўлланма ҳам тақдим этилмоқда. Уни томоша қилиш орқали нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аққол англайсиз. Сизга қўшимча ёрдамчининг кераги бўлмайди. Асосий мақсад эса барчаннинг бохабар бўлиши, рўйхатдан ўтиш жараёнида фаолиқни таъминлашдир.

— Кеча тунда ота-онам билан гаплашдим. Эртага аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш бошланаркан дейишди. Зўр-ку, бу масала анчадан буюн мени ўйлантириб юрган эди. Чунки ривожланган давлатлар тараққиётида мана ушунча жараёнлар катта аҳамиятли бўлган-да, — дейди, бир неча йилдирки, икки фарзанди билан Швецияда яшаб ишлаётган анджонлик Баҳодир Тиллабоев. — Эрта тонданок дарров оиламиз билан рўйхатдан ўтдик. Сувовнома оддий ва тўшунарли экан. Менимча, юртимизда 17 кунлик жараён зўр ўтади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 94,2 фоизи интернетдан доимий фойдаланмоқда. Уйдаки, автобуслар муҳитлари, ишхона ёки даладаки, мобил қурилмалар, бир эсим бўлсин, ўчгани йўқ, виртуал олам биз билан тўту кун бирга. Мана шу интернет қўламини, 94,2 фоизлик қамровнинг ўзиде рўйхатдан ўтиш жуда тез давом этаётганини, кўрсаткичлар дақиқалар эмас, сониялар сайин ошиб бораётганини кўрсатади.

— Тегу шахрида туриб аҳолини рўйхатга олиш жараёнида виртуал иштирок этдим. Ихтиёримда мулк ҳам, уй-жой ҳам йўқ, аммо ниятим бор. Насиб этса, Янги Тошкентнинг энг баҳаво жойидан уй оламан. Ахир Кореяда бир умр қолиб кетмайман-ку, Ватаним Ўзбекистон, — дейди оиласи билан Жанубий Кореяда яшаётган жомбойлик Шалолла Бозорбоева. — Ижтимоий тармоқларда турли фикрларга қўзим тушди. Баъзилар рўйхатга олиш тўғрисида, ҳамма рақамлар ойдинлашган, солиқ ошмасмикин, қайси-дир идоралар таъйиб қилмасмикин, деб ёзишибди. Бу эскича фикрлаш, асосиз хавотир. Рўйхатга олиш дунё таърибисиди юқори самара берган тадбир, Жанубий Кореянинг ривожланишида ҳам бу ишининг аҳамияти бекиёс бўлган. Рўйхатга олиш жараёнидаги маълумотларнинг ҳаққоний бўлиши юртимиз эртаниги кўни учун керак. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қандай ҳолатдамиз, аҳоли ихтиёрида нима бору нималарга эҳтиёж сезиямиз, қайси йўналишларга сармоя киритиш лозим, аҳолининг қанча қисми тон маънода иш билан банд, қанчаси чет элда, норасмий тарзда хорижда юрганлар нима иш билан банд, барчаси ойдинлашади.

### Аниқ ва манзилли янгилашлар кафолати

Ижтимоий муаммолар мавзусида тадқиқотлар олиб бораётган таниқли олим, профессор Хайринисо Хусанованинг таъкидлашича, аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг қишлоқ ҳўжалиги билан уйғун ҳолда амалга оширилиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бу вақтни тежаш, харажатларни камайитириш ва сўровларни мақбуллаштириш имконини беради. Бундай ёндашув мамлакатнинг молиявий ва ташкилий ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилади, айни чоғда маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини оширади.

лоқот, эҳтиёж ва шароитлар билан танишув рўйхатга олиш маълумотларининг сифатини, ҳаққонлигини ва аниқлигини кафолатлайди. Шу тариқа аҳолининг демографик таркиби, миграция жараёналари, оилавий ҳолати, фаолият турлари ва даромад манбалари тўғрисида ягона маълумотлар базаси шаклланади. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига оид кўрсаткичлар аниқланади. Йиғилган маълумотлар республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва оила-ларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

— Айни чоғда юртимизда бошланган бу тадбир халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. БМТ Аҳолишунослик жангармаси ҳамда БМТ Озик-овкат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти экспертлари Ўзбекистоннинг аҳоли ҳамда қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш бўйича таъйиғарлик ишлари ва ушбу жараёнининг биргаликда ташкил этилишига ижобий ҳулосалар билдирган, — дейди профессор. — Бу халқаро эътироф, хорижий экспертларнинг қўллаб-қувватлави Ўзбекистондаги рўйхатга олиш жараёнининг глобал стандартларга мувофиқлигини ва унинг натижалари халқаро миқёсда эътироф этилишини кўрсатади.

Эътиборли жиҳат шундаки, рўйхатга олиш қиш фаслига тўғри келаётгани яна бир ўнғайликдир. Бу даврда қишлоқ ҳўжалигида мавсумий ишлар камайган, фермерлар ва деҳқонлар учун маълумотларни тақдим этиш қулай. Масалан, қиш фаслида чорва молларининг сони ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш осонроқ бўлиб, бу маълумотларнинг ишончилигини оширади.

### Маҳалла — энг қайноқ нуқта

Сўровномадаги 71 та саволнинг 54 таси аҳолига, 17 таси қишлоқ ҳўжалигига оид. Жумладан, асосий демографик кўрсаткичлар, аҳолининг даромад манбаи, бандлиги ва таълим даражаси, турархўй хусусиятлари, айрим тоифалар, чет эл фуқаролари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги бўйича саволлар ўрин олган. Шунингдек, тадбирни амалга ошириш харажатлари оптималлаштирилиб, Давлат бюджети учун 1,5 трлн. сўм миқдоридан маблағ иқтисод қилинади.

— Шу бугун уйимда интернет ўчган экан. Даров “Payme” иловасига кирдим ва тўлов қилдим. Шу жараёнда қўзим тушди, интернет провайдерлар сони 60 га яқин, қўлгинада бу бармоқ билан санарли эди. Қўйил, из бераётган ўзгаришлардан ақинингиз шошади, — дейди Сергели туманида яшовчи Шерзод Худойқўлиев. — Интернет улангач, оила аъзоларини қўчага чиқиб ўтирмасдан уйнинг ўзидеёқ рўйхатдан ўтишди, барча маълумотларни рўйроқат кўрсатдик.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида шундай сўзлар бор: “Даргона водийсидан Орол бўйигача, Зарафшон воҳасидан Қашқадарь ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача — юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаромиз ислохотлар натижасини қўндалик ҳаётда янада кўпроқ ҳис қилиши керак”. Давлатимиз раҳбари маҳалла фаоллари ана шу улуғвор жараёнлар марказида бўлишини алоҳида таъкидлади. Шу боис, мабодо, сизда бугун бирор савол туғилса, ўзингиз яшаётган маҳалла фаолларига мурожаат қилинг. Негаки, Президентимиз айтганидек, бугун маҳалла ўша ҳудуднинг юраги, одамларнинг дарду ташвишлари ўша ерда ечимини топмоқда, “маҳалла еттилиги” эса сиз учун энг яқин қўмақчидир. Рўйхатга олиш жараёнида ҳам шундай, маҳалла — таянч, маҳалла — энг қайноқ нуқта.

— Шу маҳалларда тўғилиб ўсганман, отамнинг, боболаримнинг излари ҳам шу масканда. Шунданми, қўчаларнинг ҳолати, тозалик доимо эътиборимда. Шуқри, маҳалламизда аҳоли ахир, жамоат ишларида фаол, зийлилар, тадбиркорлар кўп. Ишонамани, бизда ўтган сайловлардаги каби рўйхатга олиш тадбири ҳам намунали ўтади, — дейди Сергели туманидаги Қўҳна Қўмакчи маҳалласи раиси Аҳмад ота Ибрагимов. — Бундан ташқари, ҳудудимизда 42 та кўп қаватли уй қурилатпти, уларнинг ярмига яқини битиб ҳам қолди. Янги мактаб, тиббий муассаса бинаolari пардозланатпти, ҳадемай, улар ҳам тўлиқ ишга тушади. Агар тинчлик, оосийишалик бўлмаса, дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида бўлгани каби нотинчлик юз берса, шундай бунёдкорликлар бўлармиди?! Илоҳим, элпарвар, адолатли сиёсат олиб бораётган Президентимизнинг умрлари зийёда бўлсин, ободлигимизга кўз тегмасин. Насиб этса, ҳаётимиз янада фаровонлашади, аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш натижасида келадиган ютуқларимиз улкан ва залварли бўлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ  
(«Халқ сўзи»).



# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

тарих, бугун ва келажақ туташган улуғвор манзилга айланмоқда

Тарих зарвараклариға муҳрланган 2025 йилнинг сўнгги кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ҳамда унда кўтарилган долзарб масалалар билан ҳам ёдимизда қолди. Мурожаатномада ўтган йилда босиб ўтилган йўл, қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилган вазифалар, шу билан бирга, жорий йилдаги режаларга алоҳида эътибор қаратилди.

## Нуқтаи назар

### Залварли қадамлар, улуғвор режалар

Дарҳақиқат, ўтган 2025 йил барчамиз учун нихоятда баракали, махсусдор бўлди. Таъкидланганидек, ўтган йилни қўтилмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршиллик, ҳавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали бир вазиятда яқунладик. Шунга қарамай, бу давр халқимиз, Батанимиз учун эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Тарихимизда биринчи марта ялғи ички махсуслот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. Давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон 71 поғона кўтарилиб, дунёнинг "ТОП — 10"та мамлакати қаторидан жой олди. Ишчилик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион ахтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди.

Булар шунчаки рақамлар эмас, балки Янги Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда ҳар томонлама юксалиб бораётганининг ақол далили. Албатта, моддий фаровонлик ҳар бир жамиятнинг маънавий ва маданий тараққиёти учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зотан, бугун пойтахтимизда ўз услуби ва йўналишига кўра ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг бунёд этилгани ҳам бевосита иқтисодий фаровонлик даражаси билан боғлиқ, десак, хато эмас.

Бундан тўққиз-ўн йиллар илгари салкам ўн гектарлик ҳудудда, 50 минг квадрат метрга яқин умумий фойдаланиш майдонига эга мустақам мажмуани қуришни тасаввур ҳам қиёлолмасдик. Ўтган давр мобайнида ушбу бино қад ростлаши баробарида унинг контенти бўйича, марказга буюк аждодларимиздан қолган бебаҳо бойликларни қайтариш борасида мисли қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Олимлар, тадқиқотчиларнинг муассаса фаолияти билан алоқадор озлаб илмий лойиҳаларни тўлиқ молиялаштирилди.

Ўтган йилдаги барча кўрсаткичлар Ўзбекистонда нафақат иқтисодий ўсиш кўлами, балки ҳаёт сифати ҳам ошганини исботлайди.

### Ақл-тафаккур маркази

Бундан тўққиз йил бурун Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ўтган даврда халқро миқёсда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик моҳиятини кенг намойиш эта оладиган йирик илмий-маърифий муассасага айланди.

Ўтган йилги пойтахтимизда ушбу марказнинг муҳташам биноси қурилиши ўз якунига етди. Президентимизнинг топшириқлари асосида марказ контенти бўйича, унинг концепциясини мустақамлаш, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этиши учун хорижга чиқиб кетган бойликларимизни қайтариш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, **“бу даргоҳ нафақат ўтмиш ҳақида ҳикоя қиладиган, балки тарих, бугун ва келажақни боғлайдиган, тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази бўлиши зарур”**.

Шу маънода, марказ нафақат исломий ва маданий мероснинг муносили ҳазинабони, балки халқро майдондаги йирик илмий ва маънавий масканга айланмоқда.

Президентимиз ўтган йилнинг ўзига бу ерга беш маротаба таширф буюриб, қимматли йўл-йўриқлар ва тавсиялар берди, музей концепциясини яратишда фаол қатнашди. Ана шу тавсиялар асосида “Қуръони карим зали”, “Ислондан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс ва ўзбек хонликлари”, “Янги Ўзбекистон — Янги Ренессанс” экспозициялари тўла шакллантирилди.

Оқори мартабали меҳмонлар — Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Сербия, Финляндия, Парагвай Президентлари таширфлари давомидан

### Рақамлар сўзлаганда

Марказда йил давомида “Цивилизациялар — шахслар — кашфийётлар” ғояси доирасида 800 дан ортиқ илмий ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди, уларнинг биринчи босқичида 325 та лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳаларга 2 мингдан кўп маҳал-



ли ва 100 дан ортиқ хорижий олимлар жалб қилинди.

Ўтган йили марказ музейи экспозицияларида жами 1 530 та экспонат тақдим этилган бўлса, улар орасида факсимиле кўлэмалар, тарихий ҳариталар, археологик топилмалар алоҳида ўрин тутди. Бу экспонатлар музейнинг илмий тадқиқот фаолиятини ва Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганишга фаол интилишларини ўзига акс эттирди.

Музей экспозициясини шакллантириш ва бойитиш учун яратилган имкониятлар сабаб, “Sotheby’s”, “Christie’s” ва “Bonhams” аукцион уйлари, йирик коллекционерлар ва арт-дилерлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Йил давомида аукционлардан 154, коллекционерлардан 589 экспонат қабул қилинди.

Марказ музейига жами 100 дан ортиқ артефактлар мартабали меҳмонлар, халқро ҳамкор ташкилотлар ва бошқа таширф буюрувчилар томонидан ҳадя этилди. Хусусан, Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти томонидан музей экспозицияси учун 494 та артефакт бераз тақдим қилинди.

Марказ кутубхонаси фондига 5 мингта яқин адабиётлар келтирилди. Шунингдек, хорижий давлатлардаги музей ва кутубхоналардан 16 номда даврий нашрлар обунаси йўлга қўйилди. Маҳаллий ва хорижий нашриётлардан имконияти чекланган шахслар учун 762 та махсус адабиёт харид қилинди. Кутубхонамиз фондидаги “Шарқ ва Ғарб коллекцияси”дан 400 та нодир адабиёт рақамлаштирилди, 30 мингта китобга электрон чиплар ўрнатилди. 2 мингдан зиёд китобларга илмий техник ишлов берилди ва “IRIBIS” дастурига киритилди. Кутубхонага замонавий кутубхоначилик амалиёти талабларига мос 30 та махсус ускуна ўрнатилди.

Марказнинг қўйи қаватида Британиянинг “1001 Discoveries” компанияси билан ҳамкорликда махсус бошлар ҳудуди ташкил этилди. Шунингдек, ходимларимизнинг илмий излаишлари махсули бўлган 70 дан ортиқ китоблар нашрга тайёрланди.

### Дунё нигоҳида ва эътиборида

2025 йил давомида марказ халқро мулоқот, маданий ҳамкорлик ва илмий алоқаларни мустақамлашга қаратилган платформа сифатида фаолият юритди. Хусусан, ўтган йилда Франциянинг халқро “Авиценна” муқофотида сазовор бўлганини фахр билан тилга олиш хоиз.

Ўтган йил давомида Европа ва араб дунёсига қилган хорижий сафарларимиз ҳам қўтилган самараларни бераётди. Хусусан, бу даврда 40 дан кўп учрашувлар ўтказилди. Малайзияда уюштирилган давра суҳбати, Буюк Британияда ўтказилган 2 та кўргазма, 5 та тақдимот ва 50 дан ортиқ онлайн



мулоқотлар, Эрон Миллий кутубхонасида марказимиз хонасининг очилиши шулар жумласидан.

13 — 15 ноябрь кунлари “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажақ” мавзусидаги халқро конгрессда 170 та хорижий эксперт, жумладан, маданият вазирлари, Фанлар академиялари президентлари, Бадийи академиялари, Ёзувчилар уюшмаси раислари, кутубхона ва музейлар директорлари қатнашди.

Анжуман кунлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи

Форум доирасида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан бўлиб ўтган учрашув эса тадбирнинг сиёсий-дипломатик аҳамиятини янада оширди. БМТ раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юксак баҳо бериб, давлатимиз раҳбарининг халқро майдондаги ролини алоҳида таъкидлади.

“Сизнинг Президентингиз Шавкат Мирзиёев — буюк ва нуфузли раҳбар бўлиб, у БМТнинг олий миёнбаридан мулоқот, маърифат ва ўзаро ҳурмат ғояларини изчил илгари сурмоқда”, деди у.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази билан БМТ Цивилизациялар альянси ўртасида ўзаро Ангашув меморандуми имзоланди. Бу ҳужжат чин маънода Ўзбекистоннинг цивилизациялар мулоқоти соҳасидаги сай-ҳаракатлари халқро даражада эътироф этилаётганининг ёрқин далилидир.

### Ҳамкорлик самаралари

2025 йилда марказимиз экспозицияларини бойитиш учун маҳаллий ва хорижий ширкатлар, хусусан, “Magister Art”, “Outdoor Factory”, “Sila Sveta”, “Планета 9”, “Inter Steller” компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Музей экспозицияларини ва уларнинг шакллантирилишини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш учун Франциянинг “Avesta Group” компанияси мутахассислари жалб этилди. Илмий-инновацион лойиҳалар, музей экспозицияларида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари, халқро ҳамкорлик ва хорижий меҳмонлар таширфига доир 3 мингдан ортиқ материаллар тайёрланиб, марказнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари ҳамда веб-сайтида, шунингдек, маҳаллий ОАВда эълон қилинди.

Қадимий ёзма манбалар консервацияси ва реставрацияси билан шуғулланувчи лабораторияни яратиш, унинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Россиянинг “Эрмитаж” давлат музейидан махсус экспертлар жалб этилди. Ўтган вақт мобайнида 1 500 дан ортиқ қадимий артефактлар консервация ва реставрация қилинди.

Ўтган йили Президентимиз топшириқлариға биноан марказ ходимлари Самарқандда Имом Бухорий инновацион музейини шакллантириш ишларида ҳам фаол қатнашди. Дин ишлари бўйича кўмита, Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқро ислоншунослик академияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда музей экспози-

### БМТ Бош котибининг самимий эътирофи

2025 йил 14 — 16 декабрь кунлари Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳ-



рида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Цивилизациялар альянси (UNAOC)нинг XI Глобал форумида мамлакатимизда маданий меросини ўрганиш ва тарғиботи бўйича амалга оширилаётган эзгу ишлар яна бир бор халқро миқёсда эътироф этилди.

Форум “Қўп кутуби дунёда инсоният бирдмаллиги йўлида мулоқот орқали ўзаро ҳурмат ва англашувнинг янги даври” шiori остида ўтди. Унинг доирасида Ислон олами таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тақлиоти (ISESCO), Жаҳон мусулмонлар лигаси раҳбарияти, шунингдек, Саудия Арабистонининг етакчи академик ва маданий муассасалари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар чоғида кўшма илмий тадқиқот, таълимий ва нашриёт лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, халқро ҳамкорларнинг марказ ҳузурида институционал ишторокинни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг халқро гуманитар ва илмий-маданий платформа сифатидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. 2026 йилда БМТ билан ҳамкорликда мазкур марказ ҳамда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридид халқро илмий-тадқиқот марказларининг кенг қамровли тақдимоти ўтказилиши ҳам ана шу изчил сёбатнинг мантйқий давоми бўлади.

янги авлод музейи муҳитини шакллантиришга эътибор қаратади. 50 минг сақлаш бирлигига мўлжалланган микроклим тизимига эга энг йирик фонд сақлов мажмуаси яратилади. Тез кўнларда фонд учун 1,5 млн. ҳужжатни рақамлаштириш, ички ҳужжат айланмасини электрон форматга ўтказиш ва ягона билимлар фондиди яратишни таъминлайдиган АРК рақамли бошқарув тизими ташкил этилади. “VR/AR” экспозициялари ва “3D” реконструкциялари ишлаб чиқилди, музей таширфлари тўлиқ мультимедиа моделига ўтди, мобил иловалар орқали навигация, бир неча тилда аудиогидалар, кўнлик 10 минг кишига мўлжалланган чиптали саёҳат тизими йўлга қўйилди.

Марказ фондиди нодир кўлэмалар, тарихий экспонатлар, нашрлар ва ҳужжатлар, амалий санъат намуналари ҳисобиға кенгайтириш бора-сидида ишлар давом эттирилади. Артефактларни сотиб олиш манбалари кенгайтирилмоқда. Жумладан, халқро аукцион уйлари, хусусий коллекционерлар, арт-дилерлар ва экспертлар орқали 2026-2027 йиллар давомида фондларни камида 2 мингта нодир артефакт билан бойитиш режалаштирилган.

Марказ уникал рақамли ташаббуслар комплексини жорий этмоқда. Бундай лойиҳалар орасида 100 минг рақамлаштирилган саҳифани ўз ичига олган архив, рақамли платформа, артефактларни реконструкция қилиш, цивилизациялар интерфaол хариталари, виртуал музей VR-лоийҳаси, тарихий шахсларнинг рақамли аватарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Замонавий мультимедиа экотизмини яратишни режалаштирмоқдамиз. Янги матбуот маркази ташкил этилади. “CIC FILM” кинокомпанияси ишга туширилади, 50 минг материалдан иборат медиабанк яратилади. “CNN”, “BBC”, “TRT”, “Euronews”, “Al Arabiya” каби халқро медиакомпаниялар билан ҳамкорлик давом эттирилади. 2026 йилда қўтилган умумий медиа-майдон 1 миллиардгача томошабин ва ўқувчиларни қамраб олиши қўтилмоқда.

### Ўзгаришларни ўзимиз яратамиз

Халқро ҳамкорлик ва ташқи алоқалар соҳасида марказнинг глобал позицияси жорий йилда янада мустақамланган. 30 дан ортиқ мамлакатларнинг музейлари ва университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, Ўзбекистон олимларининг иккинчи миллий форуми каби халқро тадбирлар, шунингдек, Нью-Йорк, Париж, Лондон, Доха, Ар-Риёд, Кохира сингари шаҳарларда марказнинг тақдимотлари бўлиши қўтилмоқда. Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда марказнинг халқро алоқаларини кенгайтириш бўйича 300 дан ортиқ кўшма лойиҳаларни ўз ичига олган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Жорий йилда Амир Темури, Алишер Навоий болларимизнинг қўлтуғ таваллуд айёмлари муносабати билан турли конференциялар, тақдимотлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга тайёргарлик қўрилмоқда.

Шунингдек, Ислон мероси бўйича ИРСИКА, ISESCO, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон Ислон уюшмаси сингари халқро ташкилотлар билан биргаликда 40 та илмий ва 10 та нобъ факсимиле нашрларини чоп этимиз. Шунингдек, махсус босмаҳона очиб, унда замонавий матбаа хизматлари ҳам йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

Миллий, илмий ва маданий меросни тарғиб қилиш мақсадида Франкфурт, Лондон, Доха ва бошқа шаҳарларда ўтадиган йирик ярмаркаларда қатнашишни режалаштирлягимиз. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон китоб бозорига ўз ўрнини топишиға имкон беради.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори.



## Футбол: ЧОРАК ФИНАЛДАГИ РАҚИБ — ХИТОЙ ЁШЛАРИ

Хабар берилганидек, Саудия Арабистониди 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё кубоги мусобақаси давом этаётди. Гуруҳ якунлариға кўра, чорак финалчилар маълум бўлиб, ғолиблик учун курашаётган 8 та терма жамоа ўз рақибини билиб олди.



“С” гуруҳида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлаб Ливан терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этди. 2-турда эронлик тенгдошлари билан 0:0 ўйнади, ҳал қилувчи сўнгги беллашувда Корея Республикаси вакиллари 2:0 ҳисобида ютиб, ишончли ғалабани қўлга киритди.

Энди чорак финалда Равшан Ҳайдаров шоғирдлари Хитой ёшлар терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Ўйин эртага, 17 январь куни Тошкент вақти билан соат 16:30 да бошланади. Шунингдек, мазкур босқичда Япония — Иордания, Вьетнам — БАА, Австралия — Корея Республикаси учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

## Шахмат: ЖАВОҲИР — «TITLED TUESDAY» МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБИ

Ҳар ҳафта ўтказиладиган аънанавий “Titled Tuesday” онлайн-турнирида Жавоҳир Синдоров ғолиб бўлди. Яқиндагина жаҳон кубогини қўлга киритган ҳамюртимиз 9,5 очко жағғариб, навбатдаги совринни ўз ҳисобиға қўшиб қўйди.

Муқофот жамғармаси катта бўлмаса-да, бу бир неча соатлик мусобақада дунёнинг энг кучли “ақл” усталари баҳс олиб борди. Улар орасида Магнус Карлсен, Фабиано Каруана, Аржун Эргаси, Ян Непомнящий, Винсент Кеймер сингари шахмат юлдузлари бор. Хусусан, яна бир юртдошимиз Нодирбек Абдусатторов қора доналар билан Магнус Карлсенни мағлубиятга учратиб, қўшимча кўрсаткичларға кўра 5-ўринни эгаллади.

## Бокс: ЛОС-АНЖЕЛЕСГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНДИ



Пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида жойлашган яккакураш залида бокс бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

22 январьга қадар давом этадиган беллашувларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан энг яхши боксчилар ғолиблик учун баҳсларға киришди. Навбатдаги турнир “Лос-Анжелес — 2028 сари йўл шу ердан бошланади” шиори остида уюштириляётди.

Мусобақа олдида техник йиғилиш ва қуръа ташлаш маросими ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бу йилги чемпионатда 278 нафар боксчи қатнашади. Уларнинг 198 нафари эркаклар, 80 нафари эса аёллардан иборат.

Суннатилла ИСЛОМОВ

(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Жорий йилги инвестиция дастури доирасида 770 та ижтимоий объект энергия самарадорлик стандартлари асосида модернизация қилинади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.  
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфия жихатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.  
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.55 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6